

## ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА САФАРБАРЛИК РЕЗЕРВЛАРИНИ ЙИҒИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ (ретроспектив таҳлил)

*Саримсаков Санжарбек Абдухалимович*  
подполковник, ЎР ҚҚ Академияси 1-босқич тингловчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Исроил, мамлақати каби ривожланган давлатларнинг сафарбарлик резервларини жамғариш ва тайёрлашдаги илғор тажрибаси ёритилган ва Ўзбекистон Республикасининг сафарбарлик резервларини жамғариш ва тайёрлаш йўналишдаги кейинги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** сафарбарлик, сафарбарлик ресурс, резерв, йиғин, тайёрлаш, одамлар ресурси, армия захиралари, ҳарбий тайёргарлик, захирага бўшатирилганлар, ташкилий штат, тинчлик даври ва уруш даври.

**Abstract:** This article examines the best practices of conservation and preparation of mobilization reserves of developed countries, such as the Russian Federation, Belarus, the Republic of Kazakhstan, the People's Republic of China, Japan, Great Britain, Switzerland, Israel, and forms appropriate proposals for improving further activities in the direction of conservation and preparation of mobilization reserves of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** mobilization, mobilization resource, reserve, collection, training, people's resource, army reserves, military training, reservists, organizational status, peacetime and wartime.

Сафарбарлик резервларини жамғариш ва тайёрлашнинг халқаро тажрибалари шуни кўрсатадики Сафарбарлик одам ресурсларини тайёрлаш ва йиғиш муаммосини тадқиқ қилиш йўналишларида хорижлик олим ва мутахассислар илмий изланишлар олиб бориб, турлича фикр ва мулоҳазаларни баён қилган. Жумладан Россия Федерацияси ҳарбий назариячиси А. Храмчиннинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда дунёнинг айрим ҳудудларида айниқса Европа ва Осиё минтақаларида олиб борилаётган қуролли ёки ҳарбий можароларнинг қиёфаси гибрид кўринишга эга, жанговар ҳаракатларнинг ўчоғи мамлакатнинг барча ҳудудларида бирданига турли кўринишда пайдо бўлиб, узоқ давом этмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб барча давлатлар миллий армияларининг захираларини тайёрлаш ва уларни жамғаришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар [1].

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қуйида дунёнинг кузга кўринган давлатлари яъни, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон Республикаси, Буюк Британия, Швейцария ва Исроил давлатларининг Қуролли Кучларида сафарбарлик заҳираларини тайёрлаш ва йиғишни ташкиллаштиришни кўриб чиқамиз [2].

**Россия Федерацияси** давлат раҳбариятининг фикр ва мулоҳазаларига кўра умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунига асосланган ҳолда ўқув йиғинлари ўтказиш йўли билан заҳираларни тайёрлаш ўз самародорлигини йўқотган ва мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайдилар [3, 4].

Шу муносабат билан 2012 йилнинг 30 декабрида сафарбарлик заҳиралари бўйича янги қонун қабул қилинди, шунга асосланган ҳолда 2015 йил Россия Федерацияси ҳукумати томонидан фуқароларининг сафарбарлик одам ресурсларида хизматни ўташ тўғрисидаги Қўлланмаси тасдиқланди [5, 6, 7].

Қабул қилинган қонун бўйича Россия Федерацияси ҚК заҳира 2 гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳ **“сафарбарлик одамлар заҳираси”** – ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ва резервда хизматни ўташ учун шартнома тузиб резервга қабул қилган фуқоролар; 2-гуруҳ – **“сафарбарлик одам ресурси”**, бунга ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ва уруш даврида яратиладиган тузулмаларни бутлаш учун ҳарбий ҳисобда турадиганлар, резервда бўлиш учун шарнома тузмаган фуқоролар киради. Сафарбарлик одамлар резерви ва ресурси биргаликда Россия Федерацияси ҚК заҳираларини ташкил этадилар [8].

**Беларусь Республикасининг** ҳарбий доктринасига мувофиқ мамлакат ҚКнинг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ичида ўзига хослиги шундаки, ушбу давлатда ягона **“Резервдаги хизмат”** тури жорий этилган бўлиб, бу хизмат турига илм, маданият, спорт ва санъат соҳасида ютуқларга эришган ёшлар 3 йил мобайнида 3-4 мартабадан 1,5 ойгача бўлган муддатга ҳарбий йиғинларга чақирилиб, жалб қилиниб туриладилар [9, 10].

Белорусьда резервчилар хизмати **“Резервдаги хизмат тўғрисидаги”** қонунга асосан амалга оширилиб, чақирув ёшидаги фуқаролар учун мажбурий ва бурч ҳисобланади. Ушбу қонунга кўра резервдаги хизмат муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи фуқороларнинг хизмат ўташи мажбурий бўлган ҳарбий хизмат тури ҳисобланади, ҳарбий-ҳисоб мутахассислигини олиш учун фуқоралик доимий ишидан ажралмаган ҳолда ҳарбий қисм ва ҚКнинг бошқа куч тузулмаларида ёки Беларусь транспорт қўшинларида ўтказиладиган ўқув йиғинлар давомидаги машғулотларда ҳарбий мажбуриятни ўташни назарда тутди [11, 12].

**Қозоғистон Республикасининг** давлат раҳбарияти мамлакат хавфсизлигини ва муҳофаасини таъминлашни ошириш мақсадида шахсан Қозоғистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2018 йилдан бошлаб резервчилар таркибидан **“Ҳудудий муҳофаа қўшинлари”** тузилди ва улар билан ҳарбий ўқув йиғинлар **“Манибулак”** ўқув дала полигоида ўтказилган. Ҳозирги кунда ушбу

қўшин тури ҚҚ таркибига қўшин тури сифатида киритиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Ушбу ҳарбий ислоҳотларнинг бош мақсади мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва тинч аҳолининг дахлсизлигини таъминлашдан иборат бўлган муҳим масала ҳисобланади [13,14].

Қозоғистон Республикаси давлатининг хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, 2016-2017 йилларда парламент томонидан **“Фавқулодда ҳолатлар”**, **“Мудофаа тўғрисида”**ги Қонунларга асосан **“Худудий мудофаа”** қўшинларининг ташкилий штат тузилмасига ва вазифасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қўшилмаларнинг асосий вазифаси аҳолини, муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларни мамлакат ҳудудида душманнинг диверсион террорчи гуруҳлари ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ва фавқулодда вазиятларда, ҳарбий ҳолат эълон қилинганида ўзига юклатилган вазифаларни бажаришдан иборат [15, 16].

Маълумотларга кўра 2002 йилдан 2014 йилга қадар мамлакатнинг вилоят ҳокимлари томонидан худудий мудофаа бригадаси таркибидаги 11 000 яқин ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар билан ҳарбий йиғинлар ташкил этилган ва ўтказилган [17, 18].

Ҳозирги кунга келиб, республика бўйлаб 16 қисқартирилган таркибдаги худудий мудофаа бригадалари ташкил этилган. Уларнинг тинчлик давридаги штат таркиби 20 нафар ҳарбий хизматчидан иборат бўлиб, асосий вазифаси ўқув йиғинларга жалб қилинган ҳарбий хизматга мажбурларга ҳарбий тайёргарликдан сабоқ бериш ва фавқулодда вазиятларга тайёрлашдан иборатдир [19].

**Буюк Британия** ҚҚнинг резервини худудий армия ва ташкилий резерв ташкил этади.

Худудий армия ўзида кадр таркибдаги қўшилмаларни, қисмларни ва бўлинмаларни ифода этади. У ҚҚнинг биринчи навбатдаги резерви ҳисобланиб, регуляр армияларни жамғариш, таркибдаги давлатларни мудофаа қилиш, ядровий зарбалар оқибатини бартараф этиш ва мамлакатдаги ички хизматларни амалга ошириш ва бажариш учун мўлжалланган [20].

Худудий армия ташкилий штат тузилиши ҚҚ доимий армиялар штат тузилиши билан бир хил бўлиб, ундаги таркиб икки қисмдан иборатдир. Булар: **“Доимий”** таркиб–кадр ҳарбий хизматчилар (қўмондонлик ва штабдаги мансабдор шахслар ловизимида турган кадр офицерлар, турли хил йўриқчилар ҳамда бошқа айрим қўшинлар жанговар қобилиятини белгилайдиган мутахассислар лавозимидагилар);

**“Қисм рўйхатига қайд қилинганлар”** таркиби–умумий ҳарбий мажбурият қонуни асосида, ҚҚ доимий қўшилмаларида икки йил давомида ҳарбий хизматни ўтаганлар (бу тоифа билан 3,5 йилга шартнома тузилади), шунингдек, ёлланганлар (бу тоифани асосан тиббиёт ходимлари, ошпаз ва шунга ўхшаш ҳарбий



тайёргарликни унча талаб қилмайдиган мутахассислар ташкил этади, улар билан 2-4 йилга шартнома тузилади) [21].

**Швейцария давлати** миллий армиясининг тузилиши ва фаолияти ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб, бундай армиялар милицияга оид кўринишда тузилади ва ташкиллаштирилади.

Ўқ-отар куроллар, ўқ-дорилар, анжом-аслаҳалар ва ҳарбий либослар резервчиларнинг ўйларида сақланади. Швейцария армиясининг кадр таркиби тахминан 3500 кишини ташкил этади. Буларнинг таркибига ўқув марказларида фаолият юритадиган йўриқчи офицер ва унтер офицерлар ҳам киради. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда дивизия командирлари ва ундан юқори лавозимлар кадр таркиби ҳисобланади. Ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги Мудофаа вазирлигининг умумий бошчилигидаги умумтаълим мактабларида, отиш тайёргарлиги эса кўнгилли отиш иттифоқчилари томонидан ўтказилиб келинмоқда [22].

16, 19 ёшдаги ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг асосий ҳарбий тайёргарлиги **“Рекрутчи”** деб номланадиган ҳарбий мактабларда йиғинлар орқали олиб борилади ва амалга оширилади.

Ҳарбий хизматга мажбурлар йигирма ёшигача **“Рекрутчи”** ҳарбий мактабларида умумий ҳисобда 119 суткалик тайёргарликдан сўнг **“Аусцуг”** резерви ҳисобига олинадилар. **“Аусцуг”** таркибида хизмат давомида ҳарбий вақт штати бўйича яратиладиган кўшилма, қисм ва бўлинмалар таркибида 8 маротабадан жанговар тайёргарликнинг ўқув йиғинларида қатнашадилар. Ҳар бир ўқув йиғиннинг давомийлиги 20 суткадан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 160 суткани ташкил этади. Ундан сўнг ҳарбий хизматга мажбурлар **“Ландштурм”** га ўтиб, унда 2 маротабалик умумий ҳисобда 13 суткалик тайёргарликдан ўтадилар [23].

**Исроил Давлатининг Мудофаа Кучлари** икки таркибий қисмдан иборат: доимий таркиб ва резервчилар жанговар корпусларидан.

Исроил Армиясининг асосини чақирилувчилар ва кадр ҳарбий хизматчилар ташкил қилади. Кадр ҳарбий хизматчилар ортида кўп сонли сафарбарлик резерви мавжуд бўлиб, улар (резерв) бир неча соат ичида армиянинг сонини 3-4 барабарга оширишни таъминлайди [24].

**Хитой Халқ Республикаси** дунёнинг улкан сафарбарлик ресурсларига эга давлатлардан бири ҳисобланади. Унинг сафарбарлик одам резерви 350 миллиондан зиёд кишини ташкил этиб, ундан 200 миллиондан ортиғи ҳарбий хизматга яроқли ҳисобланади [25].

12 миллион кишидан иборат бўлган Халқ кўнгилли (лашкар) лари, Хитой халқ озодлик армиясининг резерви ҳисобланади. Хитой Халқ Республикасини **“Ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги Қонунига асосан, ҳарбий мажбурият бўйича хизматни ўташ талабларига жавоб берадиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга

чақирилмаган 18 дан 35 ёшгача бўлган барча эркаклар ва айрим аёллар Халқ кўнгиллилари сафига киритилиб, захирадаги хизматчилар таркибида турадилар. Халқ кўнгиллиларининг отрядлари доимий таркиб ва оддий халқ кўнгиллиларига бўлинади.

Халқ кўнгиллиларининг доимий таркиби 28 ёшгача бўлган, олдин ҳарбий хизматни ўтаган ёки муддатли ҳарбий хизматдан сўнг армия сафида қолган, шунингдек, Халқ кўнгиллилари таркибида ҳарбий тайёргарлик даврида танлаб олинган одамлардан ташкил топган. Қолган, захирадаги хизмат талабларига мос келадиган 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган оддий халқ кўнгиллилари ҳисобланади [25].

**Япония мамлакатининг резерви 2 турга бўлинади, яъни Қуруқликдаги кўшинларнинг шошилич резерви ва доимий резервларга.** Доимий кўшинларда хизмат қилиб захирага бўшатиладиган тахминан йигирма минг кишининг ўртача 10, 12 минг нафари (5-6 минг киши доимий резервга ва 5-6 минг киши эса шошилич резервга) резерв таркибига қўшилади. Қолган захирага бўшатиладиганлар қайта тайёрлашга жалб қилинмайдилар. Бундан ташқари олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий-тиббий коллежлари курсантлари ҳамда тингловчилари резерв таркибига киритиладилар. Резервчиларни қабул қилиш ҳудудий тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши қонун ҳужжатларида белгилаб қуйилган [26, 27].

Юқоридаги Европа ва Осиё давлатларининг сафарбарлик буйича амалга оширадиган тадбирларини кўриб чиқишимиз натижасида қўйидагича **хулоса қилишимиз мумкин**, яъни ҳар бир Европа ва Осиё далати ўзининг сафарбарлик эҳтиёжини юзага келиши мумкин бўлган ҳавф-хатарларни инobatга олган ҳолда, ташкиллаштиради ва амалга оширади, шу ўринда шуни алоҳида такидлаб ўтишимиз керакки, мамлакатнинг сафарбарлик тадбирларини амалга оширишда уларнинг иқтисодий салоҳияти ҳам энг муҳим ўрин тутади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хамзатов М.М. В войне будущего полем боя будет вся страна.– [www.mrpm.inlivejournal.com/42746.html](http://www.mrpm.inlivejournal.com/42746.html).
2. Шуляк В.В. Проблемы создания группировки войск (сил) для действий во внутреннем вооруженном конфликте. Вестник академии военных наук. № 4(05)/200. <http://militaryarticle.ru/images.png> (мурожаат санаси: 2023 йил 7 май).
3. Одринский В.А. Новая система подготовки и накопления военнообученных граждан, пребывающих в запасе, и нахождение их в резерве// Военная мысль. 2008. № 9.-С. 43-47.
4. Кудашкин. Служба в Российской Федерации: теория и практика правового регулирования/ Монография. М.: ВУ, 2003.-493 с.
5. Корякин В. М. Понятие, принципы и способы комплектования ВС РФ личным составом. [https://zinref.ru/uchebniki/voenoe\\_delo/voenaia\\_administracia\\_korakin\\_2012/011.htm](https://zinref.ru/uchebniki/voenoe_delo/voenaia_administracia_korakin_2012/011.htm) (мурожаат санаси: 2023 йил 11 май).

6. Постановление Правительства Российской Федерации от 3 сентября 2015 г. N 933 г. Москва "Об утверждении Положения о порядке пребывания граждан Российской Федерации в мобилизационном людском резерве" <https://rg.ru/gazeta/rg/2015/09/14/html> (мурожаат санаси: 2023 йил 3 май).
7. Реформа Вооружённых сил Российской Федерации 2008-2020 годов. Материал из Википедии-свободной энциклопедии. <https://ru.wikipedia.org/wiki> (мурожаат санаси: 2023 йил 10 май).
8. Баранов Н.А., ва Алексеевлар А.И Научная статья Военная безопасность государства Москва, 2016. Вопросы применения наблюдения командования воинской части в отношении военнослужащих// Молодой ученый, 2017. №13. С. 425-428. URL <https://moluch.ru/archive/147/41159/>.
9. Қодиров А.Р. Об опыте некоторых стран по укомплектованию вооруженных сил и ротации военных кадров// Harbiy-ilmiy axborotnoma. 2018, 4- сон. 58-62 б.
10. Қурбонов Ж. Ш. Подготовка военнообязанных резерва для укомплектования войск// O`R QKA xabarlari, 1 (20)-сон, 2016 yil mart. Издание Академии ВС РУ.- С. 49-54. ДСП.
11. Гацко М. Ф. Способы комплектования военнослужащими вооруженных сил иностранных государств// Военное обозрение.-М, 2009, С. 31.
12. Қодиров А.Р. Қўшинларда ўқув машғулоти ташкиллаштириш методикаси ва техникаси: /Ўқув қўлланма/-Т.: ЎР ҚК Академияси 2018. 72 б.
13. Халилов Р. М. Марказий осиё давлатлари ва уларнинг Қуролли кучлари ислохотларининг замонавий истиқболлари.-Т.: ЎР ҚК Академияси. 2019. 156 б.
14. Қамбаров А. "Военно-педагогические основы оптимизации морально-психологического фактора в учебно-воспитательном процессе военнослужащих": Автореф. дис.канд. пед. наук.-Т. 2005.
15. Сущность и содержание территориальной обороны. -[www.revolution.allbest.ru](http://www.revolution.allbest.ru)
16. Казахстан усиливает войска территориальной обороны. [www http://online.zakon.kz](http://www.online.zakon.kz). 2018.
17. Вооружённые силы Республики Казахстан. Материал из Википедии -свободной энциклопедии. <https://ru.wikipedia.org/w/index.php/title> (мурожаат санаси: 2023 йил 30 апрель).
18. Как осуществляется территориальная оборона в Казахстане? <https://sarbaz.kz/ru/analytics/kak-osushchestvlyetsya-territorialnaya-oborona-v-kazahstane-173542341/> (мурожаат санаси: 2023 йил 3 май).
19. Северный В. Важность территориальной обороны// Караван. Медиа партал. 2018. <https://www.caravan.kz/> (мурожаат санаси: 2023 йил 3 май).
20. Гацко М. Способы комплектования военнослужащими вооруженных сил иностранных государств// Ж. Зарубежное военное обозрение.-Москва, 2009, № 2.-С. 25-31.
21. Куликов П. Организованный резерв Вооруженных сил Великобритании// Зарубежное военное обозрение. 2007. №12, С.34-38.
22. Бровкин В. Комплектование Вооружённых сил Великобритании// Зарубежное военное обозрение. 2008. №10. <https://target.ucoz.ru/publ/> (мурожаат санаси: 2023 йил 2 май).



23. Гацко М.Ф. Зарубежный опыт правового регулирования использования различных систем комплектования вооружённых сил военнослужащими// Монография. <https://uchebnik-online.net/html> (мурожаат санаси: 2023 йил 7 май).
24. Храмчин А. Шестнадцать армий и ни одной параллельной. -www.strana.02.ru
25. Военная стратегия Китая.-www.rusrand.ru/events
26. Самсонов В. Резервные компоненты вооруженных сил Японии// Ж. Зарубежное военное обозрение.-Москва, 2003, № 6.-С. 7-8.
27. Самсонов В. Система комплектования Вооруженных сил Японии на современном этапе// Ж. Зарубежное военное обозрение.-М, 2013, № 6. С. 16-20.